



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 27 ноябрь, № 248 (9143)

Пайшанба

Сайтимизга ўттиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИ ОЛИМПИА ХАРАКАТИНИНГ ЭЗГУ ҒОЯЛАРИ АСОСИДА БИРЛАШТИРАЁТГАН СПОРТ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни Олимпия шаҳарчасидаги стадионда Президент Олимпиадасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.



Катта спорт байрамига чорлов мусикаси янгради. Стадионга ҳудудий саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган спортчилар ва жамоалар, жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинлари чемпионлари чиқиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

— Бугун Янги Ўзбекистон тимсоли

бўлган мана шу муаззам Олимпия шаҳарчасида сизлар билан бирга Президент Олимпиадаси ўйинларига старт бермоқдамиз. Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилаётган, бутун юртимиз ёшларини олимпия ҳаракатининг эзгу ғоялари асосида бирлаштираётган ушбу спорт байрами барчамизга муборак бўлсин! — деди давлатимиз раҳбари.

Ислохотларнинг илк кунлариданоқ барча соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Сўнгги саккиз йилда бюджетдан спортга берилган йиллик маблағ 250 миллиард сўмдан 3 триллион сўмга ошди, спорт мураббийларининг ўртача маоши 7 баробар кўпайди, 250 дан зиёд йирик спорт объектла-

ри янгидан қурилди, 100 га яқини реконструкция қилинди. Маҳаллаларда, айниқса, чекка-чекка қишлоқларда 2 мингга яқин спорт майдончалари барпо этилди, 14 та Олимпия ва Паралимпия марказлари тўлиқ замонавий инфратузилма билан таъминланди. Бу ишлар юртимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда юқори нати-

жаларга эришиши ва спортни юксак ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига мустаҳкам замин яратмоқда. Жумладан, Париж Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мард ва баҳодир спортчиларимиз чинакам жасорат кўрсатиб, 13-ўринни эгаллади. Ана шундай зафарли юришининг давомий сифатида жорий йилда ёшлар

римиз жаҳон универсиадасида ҳам 13-ўринни, Бахрайнда ўтказилган Ёшлар ўйинлари ва Саудия Арабистонидаги Ислом бирдамлиги мусобақаларида фахрли 2-ўринни эгалладилар.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИ ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Мухтарам фахрийлар, устоз ва мураббийлар, азму шижоатли ўғил-қизларим! Хурматли меҳмонлар! Бугун сизлар билан Янги Ўзбекистон тимсоли бўлган мана шу муаззам Олимпия шаҳарчасида Президент Олимпиадасига старт берялмиз.

Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилаётган, бутун юртимиз ёшларини Олимпия ҳаракатининг эзгу ғоялари асосида бирлаштираётган ушбу спорт байрами барчамизга муборак бўлсин! Азиз дўстлар!

Биз ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ барча соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратялмиз. Сўнгги саккиз йилда бюджетдан спортга берилган йиллик маблағ 250 миллиард сўмдан 3 триллион сўмга ошди; тренерларнинг ўртача маоши 7 баробар кўпайди; 250 дан зиёд йирик спорт объектлари янгидан қурилди, 100 га яқин объект реконструкция қилинди; маҳаллаларда, айниқса, чекка-чекка қишлоқларда 2 мингга яқин спорт майдончалари барпо этилди, уларнинг сонини ҳар йили 500 тага ошириб бораёلمиз; 14 та олимпия ва паралимпия марказлари тўлиқ замонавий инфратузилма билан таъминланди.

Бу ишларимиз юртимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиши ва спортни юксак даражада ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши учун мустаҳкам замин яратмоқда. Жумладан, Париж Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мард ва баҳодир спортчиларимиз чинакам жасорат кўрсатиб, 13-ўринни эгаллаганиликлари ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Ана шундай зафарли юришининг давоми сифатида жорий йилда ёшларимиз Жаҳон универсиадасида 13-ўринни, Бахрайнда ўтказилган Ёшлар ўйинлари ва Саудия Арабистонидаги Ислом бирдамлиги мусобақаларида фахрли 2-ўринни эгаллади.

Айниқса, ўғил-қизларимиз жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинларида 50 дан ортқ рекорд натижаларга эришгани юртимизнинг халқаро Олимпия ҳаракатидаги ўрни ва нуфузини яққол кўрсатиб турибди.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритгани халқимиз 34 йил кутган тарихий воқеа бўлди.

Шу кунларда шахмат бўйича жаҳон кубоги ярим финалида бир пайтнинг ўзига 2 нафар шахматчимиз қатнашди. Ҳозиргина хушхабар олдик. 19 ёшли халқаро гроссмейстеримиз Жавоҳир Синдоров Ҳиндистонда ўтаётган мазкур нуфузли турнирда ғалаба қозониб, жаҳон кубогини қўлга киритди. Энди у жаҳон тожи учун даъвогарлар турнирида иштирок этади ва бундай натижалар бутун халқимизни албатта қувонтиради.

Ҳеч шубҳасиз, Янги Ўзбекистоннинг спорт тарихини ана шундай юзлаб иродаси мустаҳкам, жасур ва матонатли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ўғил-қизларимиз яратмоқда.

Бундай қаҳрамон спортчиларимизга шон-шарафлар бўлсин! Уларнинг боши узра Ватанимиз байроғи ҳамиша мағрур ҳилпараб турсин!

Хурматли тadbир иштирокчилари! Албатта, эришилган натижалар ўзимизники. Энг муҳими, изланиш ва ҳаракатдан тўхтаб қолмаслигимиз керак. Дунёда барча соҳалар қатори спортда ҳам қандай кескин кураш ва рақобат кечаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу эса нуфузли халқаро спорт мусобақалари, жумладан, Олимпия ўйинларига тайёргарлик тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Бу ишларни энг қуий бўйин бўлган маҳалладан бошлаш учун жорий йил беш босқичли оммавий спорт мусобақалари тизимига 15 миллион аҳоли қамраб олинди. Адаптив спортга берилган эътибор туфайли сўнгги уч йилда параспортчилар сонини қарийб 7 карра ошиб, 70 мингдан ортқ ногиронлиги бор шахслар оммавий спортга жалб этилди.

Соҳани рақамлаштириб, шаффоф тизим яратганимиз ҳисобидан барча 10 мингта мактаб ва 9 мингта маҳалладаги ўғил-қизларимиз ўз салоҳиятини намойи қилиш имконига эга бўлди.

Энди энг иқтидорли ёшларни селекция қилиш ва уларни катта спортга йўналтириш бўйича мутлақо янги тизим — Президент Олимпиадаси ўйинларини бошлаялмиз.

Мусобақанинг туман ва вилоят босқичларида умумтаълим мактабларидаги спорт тўғараклари, хусусий спорт клублари ва 310 та спорт мактабидан 100 мингдан ортқ ёшларимиз иштирок этди.

Вилоят ҳокимлари ўзлари бош бўлиб, жойларда энг юқори натижага эришган

3 мингдан зиёд ўғил-қизларимизни Президент Олимпиадасига олиб келди. Улар спортнинг 10 та йўналиши бўйича ўзаро беллашувларни бошлади. Фолиблар мажус совринлар ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Энг асосийи, улар терма жамоаларга тўғридан-тўғри йўналтирилади.

Аъло даражадаги тайёргарлики давом эттириш учун улар Олимпия ва Паралимпия марказларига қабул қилинади ҳамда ҳар бирга стипендия бериллади.

Бир сўз билан айтганда, бундан буён ҳар йили ўтказилаётган Президент Олимпиадасида янги иқтидорларни кашф қилиб, самарали селекция тизимига айланади.

Келгуси йилдан бошлаб сув спорти, велоспорт, триатлон, қиличбозлик ва жамоавий ўйинлар бўйича ҳам мусобақалар ўтказилиб, Президент Олимпиадасидаги спорт турлари 20 тага етказилади.

Спорт вазирлиги, Олимпия қўмитаси, спорт федерациялари Президент Олимпиадасининг ҳар бир босқичига халқаро спорт талабларини тўлиқ татбиқ қилади; юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш учун тренерларни замонавий методология ва ёндашувлар асосида ўқитиш тизимини йўлга қўяди; мусобақа натижаларини очик ва шаффоф баҳолаш учун ҳақамларнинг салоҳиятини ошириб боради.

Вилоят ҳокимлари спорт турларидан келиб чиқиб спорт мактаблари ва тўғаракларидаги шароитларни яхшилаб, замонавий инвентарлар билан тўлиқ таъминлайди; ҳар йили камиди 10 тадан маҳаллада замонавий спорт залларини қуриб, хусусий спорт клубларининг бошқаруви беради.

Хабарингиз бор, келгуси йил 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси, 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида жаҳон чемпионати ҳамда 2029 йилда Ёшлар Осиё ўйинлари Ўзбекистонда ўтказилади.

Бугунги тadbиримиз бўлиб ўтаётган ушбу мухташам Олимпия шаҳарчаси, жойларда барпо этилаётган замонавий спорт инфратузилмалари мана шундай нуфузли халқаро турнирларни юксак савияда таъкил этиш учун катта замин яратмоқда. Бундай йирик мусобақалар халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, катта маҳорат мактаби бўлади, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатидаги халқаро обрў-эътиборини янада оширади.

Президент Олимпиадаси тизими эса ҳеч шубҳасиз, бундай мусобақаларга жаҳоҳир спортчиларни танлаб олишга, хусусан, 2028 йилда Лос-Анжелесда ўтадиган Олимпия ўйинлари учун ҳар бир ҳудуддан лицензиялар сонини кўпайтиришга хизмат қилади.

Келгусида уларнинг орасидан Баҳоҳир Жалолов, Улуғбек Рашидов, Диёра Келдиёрова, Акбар Жўраев каби жаҳон ва Олимпия чемпионлари албатта етишиб чиқишига ишонаман.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Донишмандлар айтганларидек, иродаси кучли инсон, халқ ва миллатни енгиб бўлмайди.

Айниқса, спорт қандай буюк куч, қандай юксак ўрнак ва намуна эканини бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган сиз, хурматли спортчиларимиз, соҳа фахрийлари, устоз-мураббийлар яхши биласиз.

Агар сизлар ўзингиздаги катта тарбиявий салоҳият ва ҳаётий тажрибани ёшларимизга сингдирсангиз, уларни билимли ва ақлли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшсангиз, сизлардан халқимиз ҳам, Президент ҳам миннатдор бўлади. Чунки турли зарарли гоа ва таъсирлар қучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда ёш авлоди-мизни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Мен бу борада спортни тарбиядан, тарбияни эса спортдан айри ҳолда тасаввур этолмайдиган сиздек хурматли спортчилар, фахрийларимиз ва устоз-мураббийларга таянаман. Азиз спортчи ўғил-қизларим!

Хушхабар Янги Ўзбекистон Жавоҳири Жавоҳир Синдоров — Жаҳон кубоги соҳиби



Шахмат фақат донларни суриш эмас. У кучли ирода, теран тафаккур ва узлуксиз меҳнат талаб қиладиган майдон. Ана шу майдонда ёш, жасур, билимдон авлоднинг катта мусобақаларда бўй кўрсатиши халқимизга ҳар доим ифтихор бағишлайди.

Мана шундай фахрли лаҳзалардан бирини 19 ёшли ҳамюртимиз, гроссмейстер Жаҳоҳир Синдоров тарихга муҳрлади. У Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида ўтказилган FIDE Жаҳон кубоги — 2025 мусобақасида барча рақибларини ортда қолдириб, кубок соҳиби бўлди.

Финал беллашувида Жаҳоҳир Синдоров хитойлик жаҳоҳирларга қарши сурди. Қора донларда уйнаган ёш гроссмейстеримиз аниқ ва ишончли тактикаларини танлади, вазиятни чуқур англаб, рақибнинг ҳар бир хатосидан унумли фойдаланди.

Вэй И ундан 7 ёш катта, дунё мексидида тан олинган маҳоратли шахматчи. У ўз фаолияти давомида тезкор ва блиц йўналишларида юқори натижалар қайд этган, жаҳоннинг етакчи гроссмейстерларини мағлуб қилган ва 15 ёшидаёқ 2700 рейтингни забт этиб, жаҳон рекордини ўрнатган эди. Шундай кучли рақибни ютиш ўзбекистонлик ёш шахматчининг қанчалик етук даражага етганини яққол кўрсатади.

Мусобақа жуда қизгин руҳда ўтди. Асосий икки партия дуранг билан якунланган эди. “Тай-брек”нинг биринчи партиясида Вэй И жиддий хатога йўл қўйган бўлса-да, вазият қийин бўлгани учун Жаҳоҳир дарҳол ғалаба олиб келувчи ягона вариантни топа олмади ва беллашув дуранг ҳисобда тугади. Бироқ кейинчалик у ўзини қўлга олиб, рақибнинг заиф нуқталарини топди ва қатъият билан устунликка эришди. Бу эса маҳорат, ирода ва руҳий барқарорлик намунаси эди.

Жавоҳирнинг мазкур ютуғи орқасида машаққатли меҳнатлар билан бирга, мамлакатимизда ёшларга яратилган қулай шароитлар ётади. Унинг бобоси ва катта устози — Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси ўринбосари Комилжон Синдоров шундай дейди: “Бу ғалаба тасодиф эмас. Президентимизнинг ёш авлод камолотига бераётган алоҳида эътибори маҳсули. Шунингдек, меҳнатдан қочмаслик, иқтидорини мунтазам чархлаб бориш, тинимсиз изланиш ва интилиш меваси. Жаҳоҳир мусобақага тайёргарлик жараёнида кунига 20 соатлаб таҳлил билан шугулланди. Меҳнатга садоқат ва матонат, ўрганишга иштиёқ уни бу маррага етказди”.

МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИ ОЛИМПИА ҲАРАКАТИНИНГ ЭЗГУ ҒОЯЛАРИ АСОСИДА БИРЛАШТИРАЁТГАН СПОРТ БАЙРАМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, ўғил-қизларимиз жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинларида 50 дан ортик рекорд натижаларга эришгани юртимизнинг халқаро Олимпия ҳаракатидаги ўрни ва нуфузини яққол кўрсатиб турибди.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритгани халқимиз 34 йил кутган тарихий воқеа бўлди.

— Ҳеч шубҳасиз, Янги Ўзбекистоннинг спорт тарихини юзлаб иродаси мустақхам, жасур ва матонатли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ўғил-қизларимиз яратмоқда. Ана шундай қаҳрамон спортчиларимизга шон-шарафлар бўлсин! Уларнинг боши узра Ватанимиз байроғи ҳамisha мағрур қилираб турсин! — деди Президентимиз.

Бугунги кунда дунёда барча соҳалар қатори спорт оламида ҳам кескин кураш ва рақобат кечаётгани таъкидланди. Бу эса нуфузли халқаро спорт мусобақалари, жумладан, Олимпия ўйинларига тайёргарлик тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Бу ишларни энг куйи бўгин бўлган маҳалладан бошлаш учун жорий йил беш босқичли оммавий спорт мусобақалари билан 15 миллион аҳоли қамраб олинди. Адаптив спортга берилаётган эътибор тўғрйли сўнги уч йилда параспортчилар сони қарийб етти карра ошиб, 70 мингдан ортик

ногиронлиги бор шахслар оммавий спортга жалб этилди.

Соҳани рақамлаштириш ва шаффофлигини ошириш ҳисобига барча 10 минг мактаб ва 9 минг маҳалладаги ўғил-қизлар ўз салоҳиятини намоён қилиш имконига эга бўлди.

Энди энг иқтидорли ёшларни селекция қилиш ва уларни катта спортга йўналтириш бўйича мутлақо янги тизим — Президент Олимпиадаси ўйинлари бошланмоқда.

Мусобақанинг туман ва вилоят босқичларида умумтаълим мактабларидаги спорт тўғарақлари, хусусий спорт клублари ва 310 та спорт мактабидан 100 мингдан ортик ёшларимиз иштирок этди.

Энг юқори натижага эришган 3 мингдан зиёд ўғил-қизлар Президент Олимпиадасига келди. Улар спортнинг 10 та йўналиши бўйича Ўзаро беллашувлари бошланди.

Ғолиблар махсус совринлар ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Энг асосийси, улар терма жамоаларга тўғридан-тўғри йўналтирилади.

Аёло даражадаги тайёргарликни давом эттириш учун улар Олимпия ва Паралимпия марказларига қабул қилинади ва ҳар бирига стипендия берилади.

Бир сўз билан айтганда, бундан буюб ҳар йили ўтказиладиган Президент Олимпиадаси янги иқтидорларни кашф қилиб, самарали селекция тизимига айланади.

Келгуси йилдан бошлаб, сув спорти, велоспорт, триатлон, қиличбозлик ва жамоавий ўйинлар бўйича ҳам мусобақалар ўтказилиб, Президент Олимпиадасидаги спорт турлари 20 тага етказилади.

2026 йилда 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси, 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Жаҳон чемпионати ҳамда 2029 йилда Ёшлар Осиё ўйинлари Ўзбекистонда ўтказилади.

— Бундай йирик мусобақалар халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, катта маҳорат мактаби бўлади, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатида халқаро обрў-эътиборини янада оширади. Президент Олимпиадаси тизими эса ҳеч шубҳасиз, бундай мусобақаларга жаҳоҳир спортчиларни тнлаб олишга, хусусан, 2028 йилда Лос-Анжелесда ўтадиган Олимпия ўйинлари учун ҳар бир худуддан лицензиялар сонини кўпайтиришга хизмат қилади, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари хушхабарни эълон қилиш учун нуткида танаффус қилди. Шахмат бўйича Жаҳон кубоғи финалида гроссмейстеримиз Жаҳоҳир Синдоров ғалаба қозонгани ҳақидаги янгилик гулдўрос қарсақлар билан кутиб олинди.

Сўзини давом эттирар экан, Президентимиз спортнинг тарбиявий аҳамиятига тўхталиб ўтди. Турли зарарли ғоя ва таъсирлар кучайиб бо-

раётган ҳозирги мураккаб даврда ёш авлодимизни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

— Мен бу борада спортни тарбиядан, тарбияни эса спортдан айри ҳолда тасаввур этолмайдиган сиздек хурматли спортчилар, фахрийларимиз ва устоз-мураббийларга таянаман, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида Олимпиада иштирокчиларига омад ва зафарлар тилади.

Стадионга Ўзбекистон байроғи олиб чиқилди ва кўтарилди, мамлакатимиз мадҳияси ижро этилди.

Олимпия машъаласи ёқилиб, катта спорт байрами бошланди. Тадбир татрлаштирилган маданий дастур билан давом этди.

Маросимдан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев шахматчимиз Жаҳоҳир Синдоров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари гроссмейстеримизни Ҳиндистонда ўтган шахмат бўйича Жаҳон кубоғига эришган ғалабаси билан ўз номидан ва барча турдошларимиз номидан қизгин табриклаб, ушбу тарихий воқеа бутун халқимизни қувонтирганини таъкидлади. Ёш спортчимизга келгуси йилда Кипрда бўлиб ўтадиган Давьогарлар турнирида муваффақиятлар танилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон — Россия:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг халқаро ҳамкорлиги барча давлатлар парламентлари билан ривожланиб бораётир. Ўзаро делегациялар ташрифлари самарали ташкил қилиняпти. Хусусан, Россия Федерацияси билан ҳам парламентлараро алоқалар янада кенгаймоқда.

Ҳамкорлик

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси раиси ўринбосари Александр Бабаков билан учрашди.

Унда икки давлат парламентлари ҳамкорлик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Парламентлараро комиссия икки томонлама алоқаларни мустақамлаш, қонунчилик фаолиятини ташкил этиш соҳасида фаол мулоқот қилиб келаётгани таъкидланди. Томонлар ўзаро манфаатли муносабатларда парламент дипломатияси ва дўстлик гуруҳлари имкониятидан самарали фойдаланиш, қонун ижодкорлиги борасида тажриба алмашишни мунтазам давом эттириш лозимлигини ургулашди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиясининг иккинчи йигилиши бўлиб ўтди.

Унда икки давлат раҳбарлари ўртасидаги учрашувларда эришилган олий даражадаги қелишувларни амалга оширишда парламентнинг ўрни муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани, барча соҳадаги ўзаро ишонч парламентлараро ҳамкорлиқни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани эътироф этилди.

Томонлар парламентлараро муносабатларини ривожлантириш истикболлари, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш ҳамда олий даражада эришилган қелишувлар икроси устидан парламент назоратини қучайтиришга келишиб олди.

Ташриф доирасида делегация аъзолари Фалаба боғига ташриф буюриб, “Матонат мадҳияси” монументи пойига гул қўйди. Шунингдек, IT Park Uzbekistan ва Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази фаолияти билан яқиндан танишди.

«Халқ сўзи».

ЕРЛАРДАН УНУМЛИ ҒОДАЛАНИШ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Аввал хабар қилганимиздек, Самарқанд вилоятида яйлов ва ўрмон фонди ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, озуқабоп экинлар етиштириш ҳамда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи ўрганиш ишларини олиб борган эди. Мазкур ўрганишлар натижалари Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қўшма мажлисида муҳокама қилинди.

Муҳокама

Таъкидланганидек, вилоятда сўнгги 3 йилда қарийб 30 минг гектар ер майдонлари ўзлаштирилиб, фойдаланишга киритилган. Жорий йилда барча тоифа фермер хўжалиқлари томонидан 22,3 минг гектар майдон озуқабоп экинлар қишга ахратилган.

Чорвачилик махсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва сифатини ошириш мақсадида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида фермер хўжалиқлари томонидан чет давлатлардан 5,1 минг бош қорамол, 8 минг бош қўй-эчки, 1,3 млн. бош парранда олиб келинган.

Мазкур ишлар амалга оширилиши натижасида 51,5 млн. донга инкубация, 17,5 млн. донга исотиёмоқ тухуми ҳамда 1507 тонна товуқ панжалари экспорт қилинган. Вилоятдаги 688,2 минг гектар

УЛУҒ ЗАМИН

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифидан кейинги ўйлар

Президентимизнинг Самарқандга ҳар галги ташрифи кўҳна ва навқирон шаҳар тарихида янги бир саҳифа очади. Давлатимиз раҳбарининг бу ташрифлар чоғида илгари сураётган эзгу ғоялари ва ташаббуслари тўғрйли Самарқанднинг ўйи заминни лол қолдирган тарихий шон-шухрати қайта тикланмоқда.

Ифтихор

Сўнгги йилларда Самарқанд, чин маънода, дунёнинг сиёсий, маънавий-маърифий пойтахтига айланди. Бугун Самарқанд энг ривожланган давлатлар раҳбарлари ҳам ташриф буюриб, табарруқ замин сифатида эътироф этаётган, нуфузли сиёсатчилар эътибор марказида бўлган шаҳарга айланди.

Биз — самарқандликлар Самарқанднинг бугунги мавқеи ва мартабасидан фахрланамиз. Бу ифтихорни бизга Президентимиз берди, Президентимиз аниглади. Ватанини севиш, уни улуғлаш борасида давлатимиз раҳбари бизга ўрнак бўлмоқда.

Самарқанд ўзининг уч минг йиллик тарихида жуда кўп юксалишларни кўрган. Бироқ сўнгги бир неча йил Самарқанд тарихида энг юқори чўққилар забт этилган даврлардан бири бўлиб қолади. Агар соҳибқирон Амир Темуր Самарқандни пойтахт қилиб, уни шон-шухратга буркаган бўлса, Президентимиз уни янада юксалтирди, дунёга намоён этди.

Шаҳрлар борки, улар инсонларни улуғлайди, шахсларни камолга етказди. Самарқанд — ана шундай муқаддас манзил. Бу қадим кентни беҳиз “Тарих ва келажак чорраҳаси” деб аташмайди. Мазкур таъриф бугунги кунга келиб ўзининг ҳаётий ифодасини топди. Президентимиз Амир Темуր, Мирзо Улуғбекдан сўнг Бокий Самарқандни барпо қилди. Самарқанд бугун Ўзбекистоннинг маънавий марказига — қалбига айланди.

Янги Имом Бухорий мажмуасини айтими, Маҳдуми Аъзам қадамжосини айтими ёки Бокий Самарқандни айтими? Самарқандда бугун Президентимиз қадими етмаган манзил қолмади. Меҳридан, муҳаббатидан баҳраманд бўлган одамларнинг қалбида шукр, тилида дуо, миннатдорлик, розилик.

Шахслар тарихини, тақдирларни ўзгартаришга қодир, дейишлари. Бу сўзларнинг ҳақиқат эканини Президентимиз

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАВОҲИРИ

Ёш шахматчимизнинг тарихий ғалабаси Ўзбекистон шахмат мактаби қучининг яна бир исботидир. Бундан 21 йил аввал Рустам Қосимжонов Жаҳон кубоғига ғолиб чиққан бўлса, бугун Жаҳоҳир шу шарафли анъанани давом эттирди.

Мусобақа якунлари халқимиз учун шунчалик қувончли бўлдики, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президент Олимпиадаси очилиш маросимида ўз нутқини тўхтатиб, Жаҳоҳир Синдоровнинг ғалабаси ҳақидаги хушхабарни ўқиб, халқимизни бу қутлуг ғалаба билан табриклади.

Президентимизнинг телефон орқали Жаҳоҳирни тарихий муваффақияти билан алоҳида қутлагани мамлакатимиз етакчисининг ёшларимизнинг ҳар бир ютугини юксак қадрлаши,

уларга оталарча меҳр кўрсатишини яна бир бор намоён этди. Бу навқирон авлодга баланд руҳ, юксак шижоат бағишлайди.

Жаҳоҳирнинг Жаҳон кубогини қўлга киритиши юртимиз шахматни ривожига янги босқич, минглаб ёшлар учун эса катта илҳом манбаи бўлади. Унинг ғалабаси — мамлакатимиз ёшларининг бекиёс салоҳияти, фидойилиги ва келажакка дадил интилиши тимсоли.

Бугун яна бир ўзбек ўғлони дунё шахматининг энг юксак чўққиларидан бирини забт этди. Бу зафарли марра нафақат Жаҳоҳир, балки бутун халқимизнинг ютуғи, мамлакатимиз шарафи, спортимиз қудратининг ёрқин ифодасидир.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Жаҳон кубоғи ғолибига

Эй ўзбекнинг Жаҳоҳири, оқил ўғлон,

Ватанига тож кийдирган моҳир ўғлон,

От суравер қорая оқ доналарда,

Қолавер доим юксак поғоналарда.

Чехрасида қуёш қулган қўркам ўғлон,

Мангу бахту саодатга буркан, ўғлон.

Айланайин сенинг севинч ёшларингдан,

Байроғимиз тўшмасин ҳеч бошларингдан.

Эл юртингни доим шундай шод қилиб юр,

Шахматда ким шоҳман деса, мот қилиб юр.

Гулжамол АСҚАРОВА

Чорвачилик хўжалиқларини озуқа билан узлуксиз таъминлашда айрим камчиликлар мавжуд экани, жумладан, озуқабоп экинлар етиштириш учун етарли даражада ер майдонлари ажратилимаётгани таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, вилоятда 5 минг гектардан ортик яйлов ер майдонлари деградацияга учраган бўлиб, мазкур яйловларнинг йилдан-йилга озуқа махсулдорлиги пасайиб кетмоқда.

Йиғилиш якунида чорвачилик махсулотлари етиштириш ва озуқа экинлари ҳажмини ошириш, яйлов ер майдонларини тиклаш, ерлар деградацияга учрашининг олдини олиш, ноқулай иқлим шароитларига чидамли экинлар уручилигини йўлга қўйиш ҳамда соҳадаги бошқа масалалар ва уларнинг ечимига қаратилган қўшма қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Йўловчилар учун Самарқанд — Ургут ва Ургут — Самарқанд йўналиши бўйича поезд қатнови йўлга қўйилди.

МИНТАҚАВИЙ БИРДАМЛИК НАВҚИРОН АВЛОД НИГОҲИДА

Акс садо

Сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақаси сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан туб ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари бугунги кунда минтақадаги барқарорлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорликнинг истиқболли механизмига айлангани аини ҳақиқат.

Яқинда Тошкентда ўтказилган навбатдаги Маслаҳат учрашуви ҳам ана шу жараёнларни янги босқичга кўтаргани билан алоҳида аҳамият касб этди. Унинг натижасида қабул қилинган қарорлар, эришилган келишувлар қардош халқларни янада жипслаштирди. Айниқса, ёшлар қалбида янги умид уқунларини пайдо қилди, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади.

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ушбу тарихий жараёнларга ўз муносабатини билдирди.

Кенг имкониятлар самараси

Авазбек АРАББОЕВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти аъзоси:

— Сўнгги йилларда

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги стратегик шериклик, барқарор дипломатия ва минтақавий ҳамкорлик сезиларли даражада мустаҳкамланди. Яқинда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида эришилган келишувлар, Озарбайжоннинг ушбу учрашувларга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилиши минтақанинг халқаро майдондаги макеини ошириш билан бирга савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни янги даражага кўтаришга ҳам хизмат қилади.

Ёшлар парламенти вакили сифатида учрашувда илгари сурилган ташаб-

бусларни ўрганар эканман, минтақавий интеграция жараёнининг нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва маданий жиҳатларини эътироф этаман. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳудудий масалаларнинг узил-кесил ҳал қилиниши, транспорт ва сув-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда халқаро савдо алоқаларининг кенгайиши минтақа ёшлари учун ҳам янги имкониятлар яратди. Мазкур имкониятлар илм-фан ва технология соҳаларида фаолият юритаётган навқирон авлод учун жаҳон бозорига интеграциялашиш, стартаплар ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ушбу саммит минтақавий бирдамлик ва стратегик фикрлашнинг амалий намунасидир. Ёшлар нуктаи назаридан бу нафақат сиёсий ҳамда иқтисодий ҳамкорлик, балки янги авлод учун лидерлик, ижодий ёндашув ва халқаро майдонда ўз овозини етказиш имконияти сифатида қабул қилиниши лозим.

да ҳам сув қанчалик муҳимлиги чуқур англанган.

Марказий Осиё давлатлари бугун дунё тан оладиган даражага чиқди.

Ҳозирги ўзаро яқин ҳамкорлик нурафшон давр остонасида турган

минтақада куч, шикоят ва бирлиكنи таъминлашга хизмат қилади. Ҳамжиҳатликда олиб борилаётган ишлар минтақада сиёсий барқарорлик, иқтисодий юксалиш ва маданий яқинлиكنи таъминлашга қаратилган.

Биз, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ушбу жараённи навқирон авлод чуқур англаб етиши йўлида бор куч ва салоҳиятимизни ишга солашимиз.

Нурафшон давр остонасида

Меҳрожбек МАҲМУДОВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти аъзоси:

— Бу галги учрашувда ўртага ташланган ташаббуслар, стратегик жараёнлар, яъни минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва хавфсизлиكنи мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлар биз, ёшлар ҳаётида ҳам янги босқични бошлаб берди.

Айтайлик, унда Президентимиз 2026 — 2036 йилларни “Марказий Осиёда суддан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилишни илгари сурди. Менимча, бу минтақа ва бутун Ўзбекистон ёшлари учун ҳам муҳим. Зеро, бу халқимиз келажаги билан боғлиқ ташаббус. Ақолининг барқарор ҳаёт кечирishiда сувнинг ўрни бекиёс. Темур тузукларида шундай сатрлар бор: “Сувсиз ер — саҳро, адолатсиз юрт — вайронадир”. Кўриниб турибдики, ҳатто ўша даврлар-

Бирлик ва фаровонлик асоси

Камола НИЗОМИДДИНОВА,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти аъзоси:

— Тарихий аҳамиятга молик бўлган мазкур музокаралар натижасида минтақавий ҳамкорлик институционал жиҳатдан мустаҳкамланди, кенг геосиёсий ва иқтисодий уфқлар очилди. Биламизки, саммитнинг энг муҳим ва тарихий янгилиги Озарбайжон Республикасининг форматга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиниши бўлди. Бу стратегик қадам Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё ўртасида мустаҳкам сиёсий-иқтисодий қўприк барпо этиб, икки минтақанинг боғлиқлигини мислсиз даражада кучайтиради.

Таъкидлаш лозимки, транспорт ва логистика алоқаларини жадаллаштириш устувор вазифа, шу боис учрашувда мамлакатлар Бош вазирлари ўринбосарлари даражасида Инфратузилмани ривожлантириш бўйича кенгаши ташкил этиш зарурийати таъкидланди. Бу тузилма Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва Трансфғон транспорт йўлаги каби стратегик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Бугун минтақа келажаги учун мустаҳкам асос яратилмоқда ҳамда бу йўлда навқирон авлод вакилларининг ўрни ҳам белгилаб берилмоқда. Шу маънода, мен ҳам ана Ватанимиз ва минтақамизнинг фидойи ёшлари сафиди бу ташаббусларга “Лаббай!” деб жавоб бериб, бор имкониятимни Юртбошимиз истаган бирлик ҳамда фаровонлик гоёси йўлида тўлиқ сафарбар этишга интиламан.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Ўзбекистон — Хитой иккинчи таълим форуми:

Бугунги глобаллашув жараёнида Ўзбекистоннинг таълим тизими жадал модернизация босқичига киргани, айниқса, халқаро ҳамкорлик географиясининг кенгайиши янги авлод касбий компетенцияларига эҳтиёж ортаётган бир пайтда янада яққол сезилмоқда. Мамлакатимизнинг ташки сиёсий устувор йўналишларидан бири бўлган Осиё давлатлари, хусусан, Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликнинг янги босқичига кўтарилгани таълим соҳасида ҳам кенг қўламли натижалар бераётгани барчамизга маълум.

■ Нуқтаи назар

Шу маънода, жорий йилнинг 2-3 ноябрь кунлари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (ЎзДЖТУ)да бўлиб ўтган Ўзбекистон — Хитой иккинчи таълим форуми икки давлат ўртасидаги илмий-академик интеграцияни тубдан янги даражага олиб чиққан йирик платформа сифатида эътироф этилди. Форумда Хитойнинг 140 дан ортиқ олий таълим муассасалари, Ўзбекистоннинг 160 га яқин университети, таълим ташкилотлари, илмий марказлари, вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этгани тадбирнинг амалий аҳамиятини янада оширди.

Дўстона алоқаларда янги уфқлар

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида шаклланган дўстона муносабатлар нафақат иқтисодий, балки илмий-маърифий ҳамкорлики ҳам тубдан ривожлантирилмоқда. Бугунги кунда таълим икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг энг стратегик йўналишларидан бирига айлангани боис форум давомида қатор масалалар алоҳида эътибор марказида бўлди. Ўзаро таълим дастурларини кенгайтириш, профессор-ўқитувчилар алмашинувини кучайтириш, ўқув жараёнига сунъий интеллект ечимларини жорий этиш, қўшма илмий марказ ва лабораторияларни йўлга қўйиш, техник, педагогик ва филологик йўналишларда қўшма факультетлар очиш, кадрлар тайёрлашда “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг илмий-маърифий ўлчамини кучайтириш шулар жумласидан.

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА СТРАТЕГИК ЁНДАШУВ



Форумда Ўзбекистон олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Қўнғиротбой Шариповнинг таъкидлашича, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган устувор вазифалар — муҳандислик таълимини ривожлантириш, рақамли технологияларни ўқув жараёнига татбиқ қилиш, ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш, таълим тизимида натижадорлиқни ошириш каби мақсадлар Хитой билан ҳамкорликда янада самарали амалга оширилиши мумкин.

Дарҳақиқат, олий таълим тизимида Чин юрти билан ҳамкорлик изчил кенгайиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Хитой олийгоҳлари ўртасида 29 та қўшма таълим дастури жорий этилган. Ўрганч давлат университети ва Пекин университети ҳамкорлигида ал-Хоразмий номидаги халқаро математика маркази фаолияти йўлга қўйилди. Сиан нефть университетининг Самарқанддаги филиали фаолият юритмоқда. Пекин, Ляодун, Тяньжин университетлари билан қўшма илмий лабораториялар ташкил қилинди. Кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон — Хитой касбий таълим альянси йўлга қўйилган.

Бу натижалар Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, технологик тараққиётни тезлаштириш ва халқаро академик ҳамкорлиқни кенгайтириш каби устувор мақсадлар билан уйғунлашди.

Тил дипломатияси ва маданий интеграция маркази

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Хитой билан таълим ҳамкорлигида етакчи илмий-маърифий масканлардан бири сифатида эътироф этилади. Бу бежиз эмас. Университетда хитой тили ўқитилиши 30 йиллик тарихга эга бўлиб, бугунги кунда мазкур йўналиш мамлакат бўйича энг йирик академик марказлардан бирига айланган.

Университетда бугунги кунда 850 нафардан ортиқ талабалар хитой тилини ўрганмоқда. 150 дан ортиқ хитойлик ёшлар бакалаврият, магистратура ва докторантурада тахсил олмақда. 12 нафар малакали хитойлик мутахассис, жумладан, волонтер ўқитувчи фаолият юритаётгани университетимиз илмий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

ЎзДЖТУ Хитойнинг етакчи университети, Нанкин университети, Сиан халқаро тадқиқотлар университети, Людонг университети билан кенг қўламли ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бунинг натижасида қўшма дастурлар сонини орттириб, талабалар учун стажировка имкониятлари кен-

гаймоқда, хитой тилини ўқитиш бўйича замонавий таълим стандартлари шакллантирилмоқда.

Олий ўқув юртида келгусида ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Жумладан, хитой тили таълими бўйича замонавий мультимедиа марказлари ташкил этиш, инновацион дарс моделларини жорий қилиш, Хитой маданияти бўйича қўшма тадбирлар, илмий семинарлар ва тил амалиётларини кенгайтириш, “Тил ва дипломатия мактаби” концепциясини йўлга қўйиш, давлат идоралари учун синхрон таржимонлар ва махсус тайёрланган лингвист-мутахассислар етиштириш режалаштирилган. Бу йўналишларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги позициясини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистон — Хитой иккинчи таълим форуми икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиқнинг стратегик асосларини мустаҳкамлади. Айниқса, ёш авлодни рақобатбардор касбий қўникмалар билан қуроллантириш, илм-фан ва инновация соҳасида биргаликда янги натижаларга эришиш, ўзаро тажриба алмашишни кучайтириш йўлида муҳим қадамлар қўйилди.

ЎзДЖТУ ушбу жараённинг марказида туриб, фақат тил ўргатиш билан чекланмай, балки маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш, халқаро алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг дунёга очилишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугунги ҳамкорлик эртанги куннинг илмий, технологик ва маънавий ривожига замин яратмоқда.

Давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкам ҳамкорлик асосида давом этар экан, келгусида ҳам Ўзбекистон — Хитой таълим коалицияси янада кенгайиб, янги лойиҳалар, янги илмий дастурлар ва янги авлод лидерларини тайёрлаш йўлида самарали натижалар беришига ишонамиз.

Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,
ЎзДЖТУ ректори, профессор.

Маданият ва маърифат доимий эътиборда

Навоий вилоятининг Зафаробод шаҳарчасида аҳоли фаровонлигини ошириш, бекаму кўст инфратизимини яратиш “Навоийуран” давлат корхонасининг доимий эътиборида.

■ Бунёдкорлик

Шу жараёнда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари корхонанинг асосий кадрияти бўлган ижтимоий масъулият ва халқ билан ҳамнафаслик тамойилларини ўзида мужассам этган. Шаҳарча марказида фойдаланишга топширилган амфитеатр ва кутубхона бинолари шулар жумласидан.

Тантанали очилиш маросимида бу каби маданият ва маърифат ўчоқлари ёшлар тарбияси, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, китобхонлиқни тарғиб этишда муҳим ўрин тутуши алоҳида таъкидланиб, бундай эзгу ташаббуслар мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш тамойилларининг таркибий қисми эканлиги эътироф этилди.

— Корхонамиз томонидан ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 6 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди, — дейди “Навоийуран” давлат корхонасининг инвестициялар бўйича бошқарувчи директори Худоёр Мелиев. — Бу ҳали ҳаммаси эмас, жорий йилги манзилли дастур доирасида корхонамиз Зафаробод шаҳарчасида яна тўртта ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳани амалга оширмоқда. Шу йилнинг ўзида 27 та объектда қарийб 95 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, бу эса ўтган йилдагига нисбатан 269 фоиз ўсишни ташкил этади. Мазкур кўрсаткичлар корхонамизнинг иқтисодий салоҳияти билан бирга, ижтимоий масъулиятни ҳис қиладиган, халқ учун ишлайдиган корхона эканини яна бир намоён этади.

Маросим иштирокчилари янги кутубхона биносига яратилган шароитлар, замонавий интерьер ва бой китоб фонди билан яқиндан танишди. Дастлабки босқичда ушбу муассасага ўзбек ва жаҳон адабиётининг мингдан ортиқ энг сара асарлари совға қилинди. Яқин келажада кутубхона фонди босқичма-босқич бойитилиб, электрон китоблар базаси кенгайтирилади. Айни чоғда кутубхона ҳузурида очилган ўқув марказида малакали ўқитувчилар томонидан чет тиллар, математика ва бошқа фан йўналишлари бўйича ўқув курслари машғулотлари йўлга қўйилган.

Тадбирда янгидан қурилган амфитеатр сахнасида шаҳарчадаги “Ёшлик” маданият уйи бадий жамоасининг ранг-баранг концерт дастури намоиш этилиб, йиғилганларга кўтаринки кайфият улашилди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).



2030 йилгача Миллий архив фонди ҳужжатлари рақамлаштирилишини 60 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун оқушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.43 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6